

**ФАРҒОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ  
ИЛМИЙ ДАРАЖА БЕРУВЧИ  
PhD.03/30.12.2019.К.05.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ГУЛИСТОН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**ЕТТИБАЕВА ЛОЛАХОН АБДУМАЛИКОВНА**

**МЕНТОЛ ҲОСИЛАЛАРИ СИНТЕЗИ ВА СУПРАМОЛЕКУЛЯР  
КОМПЛЕКСЛАРИ ҲАМДА УЛАРНИНГ БИОЛОГИК ФАОЛЛИГИ**

**02.00.10 – Биоорганик кимё**

**КИМЁ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**Фарғона – 2020**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси  
Оглавления автореферата диссертации доктора философии (PhD)  
Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)**

**Еттибаева Лолахон Абдумаликовна:**

Ментол ҳосилалари синтези ва супрамолекуляр комплекслари ҳамда уларнинг биологик фаоллиги.....3

**Еттибаева Лолахон Абдумаликовна:**

Синтез производных ментола и супрамолекулярные комплексы так же их биологическая активность .....21

**Ettibaeva Lolakhon Abdumalikovna:**

Synthesis of menthol derivatives and supramolecular complexes and their biological activity.....39

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ

List of published works .....42

**ФАРҒОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ  
ИЛМИЙ ДАРАЖА БЕРУВЧИ  
PhD.03/30.12.2019.К.05.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ГУЛИСТОН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**ЕТТИБАЕВА ЛОЛАХОН АБДУМАЛИКОВНА**

**МЕНТОЛ ҲОСИЛАЛАРИ СИНТЕЗИ ВА СУПРАМОЛЕКУЛЯР  
КОМПЛЕКСЛАРИ ҲАМДА УЛАРНИНГ БИОЛОГИК ФАОЛЛИГИ**

**02.00.10 – Биоорганик кимё**

**КИМЁ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**Фарғона – 2020**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2020.3.PhD/K314 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация иши Гулистон давлат университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус ва инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифаси ([www.biochem.uz](http://www.biochem.uz)) ҳамда «Ziyonet» Ахборот-таълим порталида ([www.ziyonet.uz](http://www.ziyonet.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:** **Абдурахманова Уғилой Коххорвна**  
кимё фанлари номзоди, доцент

**Расмий оппонентлар:** **Абдуллаев Шавкат Воҳидович**  
кимё фанлари доктори, профессор  
**Назаров Отабек Мамадалиевич**  
кимё фанлари бўйича фалсафа доктори

**Етақчи ташкилот:** **Андижон давлат университети**

Диссертация ҳимояси Фарғона давлат университети ҳузуридаги PhD.03/30.12.2019.K.05.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2020 йил «15» XII соат 10.00 даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 150100, Фарғона ш., Мураббийлар кўчаси, 19. Тел.:244 44 02, факс (99873) 244-44-93).

Диссертация билан Фарғона давлат университети Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (\_\_\_\_ рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 150100, Фарғона ш., Мураббийлар кўчаси., 19. Тел.:244 44 02, факс (99873) 244-44-93, e-mail: [fardu-info@umail.uz](mailto:fardu-info@umail.uz)).

Диссертация автореферати 2020 йил «4» XII кун тарқатилди.  
(2020 йил «\_\_\_\_» \_\_\_\_\_ даги \_\_\_\_\_ рақамли ресстр баённомаси).



**В.У. Хўжаев**  
Илмий даража берувчи  
илмий кенгаш раиси, к.ф.д., профессор

**М. Нишонов**  
Илмий даража берувчи  
илмий кенгаш илмий котиби, т.ф.н., профессор

**Ш.В.Абдуллаев**  
Илмий даража берувчи илмий кенгаш қошидаги  
илмий семинар раиси, к.ф.д., профессор

## КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Бугунги кунда дунёда замонавий биоорганик кимё фанининг муҳим тадқиқот соҳаларидан бири маълум йўналишда таъсир этадиган биологик фаол моддалар синтези ва уларнинг модификацияси ҳисобланади. Ўсимликлардан ажратиб олинган табиий бирикмалар юқори биологик фаолликка эга бўлиши билан бирга синтетик бирикмаларга нисбатан ножўя таъсирлари камлиги, тирик организмга мос келиши ва ўзига хос хусусиятлари билан синтетик усулда олинган дори воситаларидан бир қанча афзалликларга эгаллиги билан ажралиб туради. Ана шундай табиий бирикмалар орасида монотерпенлар синфига кирувчи ментол ва унинг ҳосилалари алоҳида аҳамиятга эга.

Бугунги кунда жаҳонда кўпгина йирик тадқиқот марказларида бугунги кунда ўсимлик хомашёси асосида олинган юқори самарали, қатор касалликлар терапиясида қўлланиладиган кам дозали дори препаратлари яратиш бўйича тегишли илмий ечимларни асослаш: ментол (Мт) ва унинг икки асосли карбон кислоталари билан янги ҳосилаларини синтез қилиш, глицирризин кислотаси (ГК) ва унинг айрим тузлари билан супрамолекуляр комплексларини олиш, уларнинг сувда эрувчанлик хусусиятларини ошириш, қўлланиш миқдорини (дозасини) камайтириш, биологик фаолликка эга бўлган препаратларни яратиш зарур.

Бугунги кунда республикамызда маҳаллий хом-ашёлар асосида самарали дори воситаларини яратиш ва миллий фармацевтика бозорини сифатли дори воситалари билан таъминлаш бўйича маълум бир назарий ва амалий натижаларга эришилмоқда. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлатиришга қаратилган Ҳаракатлар стратегиясининг учинчи йўналишида «Саноатни юқори технологияли қайта ишлаш тармоқларини, энг аввало маҳаллий хом ашё ресурсларини чуқур қайта ишлаш асосида юқори сифатли тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш»<sup>1</sup> га қаратилган муҳим вазифалар белгиланган. Бу борада, жумладан *Mentha piperita* ўсимлигидан ментолнинг эфирларини ажратиб олиш ва таркибини ўрганиш, икки асосли карбон кислоталари билан янги ҳосилаларини синтез қилиш, ментол (Мт) нинг ГК ва унинг айрим тузлари билан супрамолекуляр комплекс бирикмаларини олиш ҳамда уларнинг биологик фаоллигини ўрганиш бўйича илмий тадқиқотлар муҳим аҳамиятга эга.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси» тўғрисидаги, 2017 йил 7 ноябрдаги ПФ-5229-сон «Фармацевтика тармоғини бошқариш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонлари, 2018 йил 14 февралдаги ПҚ-3532-сон «Фармацевтика тармоғини жадал ривожлантириш бўйича кўшимча

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони

чора-тадбирлар тўғрисидаги», 2018 йил 18 майдаги ПҚ-3729-сон «Ўзбекистон Республикасида грип ва бошқа ўткир респиратор инфекцияларнинг тарқалишига қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисидаги», 2019 йил 10 апрелдаги ПФ-5707-сон «2019 — 2021 йилларда республиканинг фармацевтика тармоғини янада жадал ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисидаги» Қарорлари, ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъерий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур тадқиқот республика Фан ва технологиялар ривожланишининг: VI.Тиббиёт ва фармакология йўналишларига мувофиқ бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Дунё миқёсида ҳозирда ментол ва уларнинг ҳосилаларининг биологик фаолликлари кўплаб илмий лабораторияларда тадқиқ этилмоқда. *Wistar* линиясига мансуб каламушларда олиб борилган тадқиқотларда ментол монотерпеноиди этил спирти ёрдамида ҳосил бўлган ошқозон ярасини тикловчи хусусиятини намоён қилганлиги A.L. Rozza ва бошқ. (2014), Levin M. (2012), Akehurst R., Kaltenthaler E. (2001) лар томонидан аниқланган. Ментолнинг 50 мг/кг миқдори гастропротектив таъсир этиб, ошқозон шиллик қават хужайраларида апоптоз яллиғланишга қарши ва антиоксидант фаолликларини A.L.Rozza ва бошқ. (2014), ўрганишган. Cheang ва бошқ.(2013) ментол каламуш аорта ва қоранар қон томирининг силиқ мускул хужайраларида  $Ca^{2+}$  каналларга ингибирловчи таъсир этиб релаксант фаоллигини намоён этиши устида илмий тадқиқот олиб боришган. *In vitro* тадқиқотларда ментол ва бошқа гидрофобик монотерпенлар мембрана ион каналларига 10  $\mu$ M дан 10 mM гача бўлган диапазондаги концентрацияларда Lee A.G. ва бошқ (2013) томонидан таъсир этиши кўрсатилган

МДХ мамлакатларида Мамедбейли Э.Г., Исмайилова С.В ва ҳамкасблари томонидан (2017) Манних реакцияси асосида формальдегид иштирокида оптик фаол L-(-)-ментолнинг гетероциклик аминлар (пиперидин, морфолин, гексаметиленамин) билан ҳосилалари синтези амалга оширилган.  $\beta$ -ментол ва ритцинолеик кислотанинг илгари синтез қилинмаган ҳосилалари хашоратларнинг паст молекуляр биорегуляторлари сифатида қўлланилган (Яковлева М.П., 2010), ментол ва унинг ҳосилаларини фармакологик хоссалари Киравченко У.Г., Сидакова Т.М. (2012) томонидан ўрганилган.

Ўзбекистонда олиб борилган тадқиқотлар асосида «*Mentha piperita*» мойи таркибидаги ментол ва унинг ҳосилалари миқдори уни амалда ишлатиш мақсадга мувофиқ эканлигини кўрсатади, жумладан, Мухаммадиев А.Н. (2020), Сулиева А.В. (2017), Арипова Н.Б. (2018) лар томонидан қалампир ялпиз (*Mentha piperita* L) ўсимликлари асосида олинган тинчлантирувчи, юқори самарали дори воситаларини яратиш бўйича илмий тадқиқот ишлари олиб борилган.

**Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Гулистон давлат университетининг илмий-тадқиқот ишлари режаси АМЗ-2019-41 «Шўрланган тупроқларда илдиз тизимининг маҳсулдорлиги ва ҳосилдорлигини ошириш учун ширинмия ўстириш технологиясини ишлаб чиқиш» мавзусидаги амалий тадқиқот доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади.** Ментол ҳосилалари синтези ва супрамолекуляр комплекслари ҳамда уларнинг биологик фаоллигини аниқлашдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

ялпиз («*Mentha piperita*») ўсимлиги қуюқ экстрактидан ментол тутган эфирларини ажратиб олиш ва таркибини масс-спектроскопик усулда таҳлил қилиш;

ментолнинг икки асосли карбон кислоталари билан янги ҳосилаларини синтез қилиш ва уларнинг физик-кимёвий хусусиятларини ҳамда кимёвий тузилишини таҳлил қилиш;

ментолнинг ГК ҳамда глицирризин кислотаси моноаммоний тузи (ГКМАТ) билан турли хил моляр нисбатлардаги сувда эрувчан супрамолекуляр комплексларини олиш ва уларнинг физик-кимёвий ҳамда спектрал хусусиятларини ўрганиш;

янги супрамолекуляр комплексларнинг барқарорлик константаларини аниқлаш;

олинган супрамолекуляр комплексларининг мембранафаоллик, антиоксидантлик ҳамда ўсимликларнинг ўсиш ва ривожланишига таъсирини аниқлаш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида ментол ва икки асосли карбон кислоталар билан ҳосил қилган янги ҳосилалари, шунингдек, ментолнинг ГК ва ГКМАТ билан супрамолекуляр комплекс бирикмаларидан фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг предмети** ментолнинг икки асосли карбон кислоталари билан янги ҳосилалари, ГК ва ГКМАТ билан супрамолекуляр комплекс бирикмаларининг кимёвий тузилиши, физик-кимёвий хоссалари ва уларнинг биологик фаоллиги ҳисобланади.

**Тадқиқот усуллари.** Диссертацияда янги синтез қилинган моддаларнинг тузилишини тадқиқ қилиш учун замонавий физик-кимёвий ва физикавий таҳлил усуллари: юпка қатламли хроматографияси (ЮҚХ), колонкали хроматография, инфрақизил (ИҚ) ва ультрабинафша (УБ) спектроскопия, масс-спектроскопия ва дифференциал центрифугалаш, фотометрия ва биокимёвий усуллардан фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:**

илк бор ментолнинг икки асосли карбон кислоталари билан янги ҳосилалари синтез қилиниб, уларнинг физик-кимёвий хусусиятлари аниқланган;

илк бор ментол ва ГК ҳамда ГКМАТ билан турли хил моляр нисбатлардаги сувда эрувчан супрамолекуляр комплекс бирикмалари олинган ҳамда физик-кимёвий ва спектрал усуллар асосида уларнинг кимёвий тузилишлари аниқланган;

олинган комплекс бирикмаларнинг барқарорлик константаси  $1.79 \pm 1 \times 10^4$  га тенг эканлиги исботланган;

олинган супрамолекуляр комплекс бирикмаларининг биологик фаолликлари аниқланиб, ГК:Мт (4:1) нисбатдаги супрамолекуляр бирикмасининг аллоксан диабет шароитида чақирилган гипогликемик фаоллиги ва митохондрия мембранасини стабилловчи хоссаси ментол, ГК ва унинг ГК:Мт (2:1) ва ГК:Мт (9:1) комплексларига нисбатан фаолроқ эканлиги аниқланган;

ментол ва ГК ҳамда ГКМАТ билан ҳосил қилган супрамолекуляр комплекслари буғдой (*Triticum aestivum* L.) ўсимлигининг ўсиши ва ривожланишига ижобий таъсир этиши исботланган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

«*Mentha piperita*» ўсимлиги таркибидан эфир ёғларининг ажратиб олиш усули ишлаб чиқилган;

Ментолнинг икки асосли карбон кислоталар билан хосилалари синтез қилинганлиги, унинг физик-кимёвий хоссалари ва тузилишини тадқиқ қилиш усуллари яратилган;

илк бор ментол ва ГК ҳамда ГКМАТ билан олинган супрамолекуляр комплексларнинг аллоксан диабет шароитида гипогликемик фаоллиги ва митохондрия мембранасини стабилловчи хоссаси аниқланган;

янги синтез қилинган супрамолекуляр комплексларнинг буғдойнинг ўсиши ва ривожланиши самарали таъсири мавжудлиги аниқланган.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.**

Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти биринчи марта «*Mentha piperita*» ўсимлигидан ажратиб олинган ментол билан «*Glycyrrhiza glabra* L» ўсимлиги илдизидан ажратиб олинган ГК ва ГКМАТ асосида янги супрамолекуляр комплекс бирикмалари олишга асос бўлади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти «*Mentha piperita*» ўсимлигидан эфир ёғларининг ажратиб олиниши, ментолнинг янги супрамолекуляр комплексларининг биологик фаоллиги аллоксан диабет шароитида гипогликемик фаоллиги ва митохондрия мембранасини стабилловчи хусусияти ҳамда буғдой (*Triticum aestivum* L.) ўсимлигининг ўсиши ва ривожланишига стимуловчи таъсирга эга восита яратишга хизмат қилади.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** замонавий физик-тадқиқот усуллари: инфрақизил, ултрабинафша, масс-спектрометрия, юқори самарали суюқлик хроматографияси, дифференциал центрифугалаш усуллари асосида таҳлил қилинганлиги ҳамда олинган натижалар Республика ва дунё миқёсидаги бир қатор илмий-амалий конференциялардаги тақдироти, бир



катор хорижий ва Республика рецензияланган журналларда чоп этилиши билан тасдиқланган.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Ментолнинг икки асосли карбон кислоталар билан ҳосилалари, ГК ҳамда ГКМАТ билан олинган супрамолекуляр комплексларининг кимёвий тузилиши ва биологик фаоллиги бўйича олинган илмий натижалар асосида:

Ширинмия ўсимлиги илдиз поясидан олинган глицирризин кислотасининг ментол билан супрамолекуляр комплексини С-А-2018-004 «Анор (*Punica granatum* L.)нинг биотехнологик коллекциясини яратиш ва патогенсиз кўчатларини олиш технологиясини йўлга қўйиш» амалий лойиҳасида анорнинг вегетатив органларини *in vitro* шароитда ривожланишини авжлантириш хусусиятини қиёсий таҳлил қилишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 21 июлдаги 89-03-2621-сон маълумотномаси). Натижада супрамолекуляр комплекс озуқа муҳитига кўшилганда *in vitro* шароитида анорнинг янги новдачалари ва илдиз ҳосил бўлиши тезлашиб, каллус тўқима ривожланишига имкон берган;

Ширинмия ўсимлиги илдизпоясидан олинган глицирризин кислотаси ва унинг моноамонийли тузининг ментол билан турли нисбатдаги супрамолекуляр комплекслари (ГК:Мт ва ГКМАТ:Мт препарати) Сирдарё вилояти Боёвут тумани фермер хўжаликларида амалиётга жорий этилган. (Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2020 йил 28 августдаги 02/021-2732 сон маълумотномаси) Натижада, назорат майдонига нисбатан ҳосилдорликни гектарига ўртача 8 центнерга ошириш имконияти яратилган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари 2 та халқаро ва 8 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши.** Диссертация мавзуси бўйича жами 20 та илмий иш чоп этилган, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг фалсафа доктори (PhD) диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 4 та мақола, жумладан 3 таси Республика ва 1 таси хорижий журналларда нашр этилган.

**Диссертация тузилиши ва ҳажми.** Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 118 бетни ташкил этади.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида бажарилган илмий ишларнинг долзарблиги ва зарурийлиги асослаб берилган, мақсад ва вазифалар, шунингдек тадқиқотнинг объект ва предмети ифодаланган, тадқиқотнинг республика фан ва технологияларни ривожлантириш йўналишига мувофиқлиги келтирилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг ишончлилиги асосланиб, натижаларнинг

назарий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий этилиши, чоп этилган ишлар ва диссертациянинг тузилиши тўғрисида маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Терпеноид бирикмаларининг амалиётда фойдаланиш истиқболлари**» деб номланган биринчи бобида, терпенлар (моно- ди- ва тритерпен бирикмалари), уларнинг классификацияси, тузилиши ва кимёвий хоссалари, ментолнинг кимёвий тузилиши ва хоссалари, кимёвий модификация қилиш, биологик фаолликлари ҳамда «*Glycyrrhiza glabra*» ўсимлиги илдизининг асосий таъсир этувчи моддаси - глицирризин кислотаси, кимёвий тузилиши, биологик фаоллиги, физик-кимёвий хусусиятлари ҳамда биологик фаол супрамолекуляр комплекслари ҳақида маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Ментол янги ҳосилалари синтези ва супрамолекуляр комплексларини олиш, кимёвий хоссаларини ўрганиш услублари**» деб номланган иккинчи бобида фойдаланилган асбоб ускуналар, инфрақизил спектроскопия, ЮҚХ ва хроматография учун қўлланилган системалар, ментолнинг айрим дикарбон кислоталар билан ҳосилаларининг синтез усуллари, супрамолекуляр комплексларнинг эритмаларини тайёрлаш, ментол ва ГК ҳамда ГКМАТ билан супрамолекуляр комплексларини ҳосил қилиш ва идентификациялаш билан боғлиқ тадқиқот босқичлари, комплексларнинг барқарорлик константаларини ҳисоблаш усуллари келтирилган.

Диссертациянинг «**Ментол янги ҳосилалари синтези ва супрамолекуляр комплексларини олиш, кимёвий хоссаларини ўрганиш**» деб номланган учинчи бобида ментол ва айрим дикарбон кислоталари билан янги ҳосилаларининг синтези, ментол ва глицирризин кислотаси ҳамда унинг моноаммонийли тузи билан супрамолекуляр комплексини олиш ҳамда олинган комплексларнинг физик- кимёвий таҳлили келтирилган.

**Ментолнинг икки асосли карбон кислоталар билан янги ҳосилалари тузилишини тадқиқ қилишнинг спектроскопик усуллари.** Янги синтез қилинган ментолнинг дикарбон кислоталар билан ҳосилаларининг ИҚ спектрида карбонил  $C=O$  гуруҳининг валент тебранишлари  $1730-1710\text{ см}^{-1}$  соҳада кузатилса, ментолнинг  $-OH$  гуруҳларининг валент тебранишлари  $3500-3250\text{ см}^{-1}$  соҳада кузатилади ва гидроксил гуруҳларининг карбоксил гуруҳларига алмашилиб бориши натижасида уларга тегишли бўлган тебранишлар частотаси сўниб бориши билан изоҳланади.


Олинган мураккаб эфирларнинг физик-кимёвий катталиклари аниқланди, уларнинг тузилиши ИҚ-спектрларини дастлабки моддалар спектри билан таққослаш йўли билан тасдиқланди. Мураккаб эфирнинг ИҚ спектрида  $3245\text{ см}^{-1}$  соҳада  $-OH$  тебраниш частотаси кузатилмайди, бу ўз навбатида ментолнинг гидроксил гуруҳи билан дикарбон кислотаси карбонил гуруҳи ўртасида мураккаб эфир боғи ҳосил бўлганлигини кўрсатди.  $1726\text{ см}^{-1}$  соҳада функционал гуруҳлар тебраниши соҳасида  $-C=O$  (карбонил) гуруҳи

валент тебранишлари кузатилишини яна бир бор адабиётларга таянган ҳолда эфир боғи ҳосил бўлганлигини кўрсатди. Олинган натижалар 1- жадвалда келтирилган.

1-жадвал


**Ментолнинг икки асосли карбон кислоталари гомологик қатори билан янги ҳосилаларини физик- кимёвий константалари натижалари**

№	Моддалар	Брутто формуласи ва ташқи кўриниши Мг.	$T_{\text{суюқ}}^{\circ}\text{C}$	$R_f^*$ (система)	Эрувчанлиги	ИК спектри $^{-1}\text{см}$
1.	Ментол (М)	$\text{C}_{10}\text{H}_{20}\text{O}$ Оқ кристалл 156	$42\pm 2$	0,3	Этанол, Ацетон Диоксан, Пиридин	2869- 2953( $\text{CH}_2$ ) 2927( $\text{CH}_3$ ) 3245(OH)
2	Диментол-оксалат	$\text{C}_{22}\text{H}_{38}\text{O}_4$ 366	$103\pm 2$	0,35	Гексан, Этилацетат Хлороформ Бензол, этанол	1712(CO), 2956( $\text{CH}_3$ )
3	Ментолмалонат	$\text{C}_{13}\text{H}_{22}\text{O}_4$ 242	$98\pm 2$	0,4	Этанол, Ацетон, Хлороформ, бензол	1718(CO) 2937( $\text{CH}_3$ ) 3350(OH)
4	Ментолмалеинат	$\text{C}_{14}\text{H}_{22}\text{O}_4$ 254	$95\pm 2$	0,35	Гексан, Этилацетат, Хлороформ, Бензол этанол	3063 (OH); 1712-1729 - (CO), 2954( $\text{CH}_3$ )
5	Диментолсукцинат	$\text{C}_{24}\text{H}_{42}\text{O}_4$ 394	$110\pm 2$	0,5	Гексан, Этилацетат Хлороформ, Бензол, этанол	2957-2869 ( $\text{CH}_2$ ), 1712- 1728 -(CO)
6	Диментол-глутарат	$\text{C}_{25}\text{H}_{44}\text{O}_4$ 408	$100\pm 2$	0,6	Гексан, Этилацетат Хлороформ, Бензол, этанол	1698(CO), 2954- 2351( $\text{CH}_2$ )




**1-расм.** А)ментолнинг ИҚ спектри; В) ментолмалеинат мураккаб эфирининг ИҚ спектри; С) диментолсукцинат мураккаб эфирининг ИҚ спектри;


Ментолнинг икки асосли карбон кислоталар билан янги ҳосилларининг синтези қуйидаги реакция схемаси билан олиб борилди:



Ментолнинг икки асосли карбон кислоталар билан янги ҳосиллари тузилишини тадқиқ қилишнинг масс-спектроскопик усуллари. Ментолнинг икки асосли карбон кислоталари билан янги ҳосилларининг кимёвий тузилишини аниқлаш мақсадида унинг масс-спектрометрик таҳлили амалга оширилди. Олинган натижалар шуни кўрсатадики, ментол ва малеин кислотаси орасидаги кимёвий реакция натижасида ҳосил бўлган маҳсулот ментолмалеинат, ментол таркибидаги гидроксил гуруҳи ва дикарбон кислотанинг карбоксил гуруҳи билан реакцияга кириши натижасида ҳосил бўлган. Назарий жихатдан битта карбон кислотасига иккита ментол бирикиши керак эди. Лекин масс-спектрал таҳлил шуни кўрсатдики, улар ўзаро 1:1 нисбатда реакцияга киришган. Ҳосил бўлган модданинг молекуляр массаси 253,0 га тенг бўлиши керак. Масс-спектрал таҳлил натижасида спектрда асосий молекуляр ион  $m/z$  253[M-H]<sup>-</sup> дан ташқари молекуляр фрагмент  $m/z$  115 ментолмалеинат молекуласидаги малеин кислотаси иони ҳам мавжуд бўлганлигини кўрсатади (2- расм).




2- расм. Ментолмалеинатнинг масс-спектри




3-расм. Диментолсукцинатнинг масс-спектри

Шунингдек, ментол ва қахрабо кислотаси билан олинган реакция маҳсулотининг масс-спектроскопик таҳлилида асосий квазимолекуляр ион  $m/z$  417,0  $[M-H]^-$  тўғри келади. Бу молекуляр масса назарий ҳисобланган диментолсукцинат бирикмасига тўғри келади. Демак ментол қахрабо кислотаси билан 1:2 моль нисбатда реакцияга киришганлигидан далолат беради. Масс-спектрометрик таҳлилда асосий квазимолекуляр ион  $m/z$  417,0  $[M-H]^-$  дан ташқари бир қанча молекуляр фрагмент ионларнинг  $m/z$  119,0 диментолсукцинат молекуласидаги қахрабо кислотаси иони зарчасига,  $m/z$  279,0 эса ментолсукцинит ионига тўғри келади.



Олинган натижалардан шундай хулоса қилиш мумкинки, кислоталарнинг кимёвий хоссаларига қараб, уларнинг ментол билан реакцияга киришиш хусусиятини белгилаш мумкин бўлади. Қолган бошқа ҳосилаларининг масс-спектроскопик таҳлили ҳам ўхшаш натижаларни берди.

Ментолнинг ГК ва ГКМАТ лар билан 1:2, 1:4, 1:9 (моль) нисбатдаги супрамолекуляр комплекслари. Глицирризин кислотасининг ментол билан 2:1; 4:1; 9:1 моляр нисбатлардаги супрамолекуляр комплекслари сув: спирт системасида олинди. ГКнинг ментол билан супрамолекуляр комплекси қуйидаги реакция схемасига асосан олинди:



Бу ерда  $n = 2, 4, 9$ .


Олинган янги супрамолекуляр комплексларнинг айрим физик-кимёвий хусусиятлари ва спектрал тавсифлари қуйидаги 2-жадвалда келтирилди. 2-жадвалда келтирилган катталиклардан кўриниб турибдики, олинган барча комплекс бирикмалар сувда яхши эрийди. Суюқланиш ҳарорати 200- 230 °С оралиғида эканлигини кўриш мумкин.

Супрамолекуляр комплекснинг тузилиши органик молекулаларнинг электромагнит нурлар билан таъсирлашувига асосланган физикавий усуллар, хусусан, уларнинг ИҚ- (молекуладаги атомларнинг тебраниш частоталари,  $\lambda = 10^{-4} - 10^{-2} \text{ см}^{-1}$ ) спектрлари асосида ўрганилди.

## ГКнинг ментол билан супрамолекуляр комплексининг баъзи физик-кимёвий тавсифлари

№	Моддалар	$T_{\text{суюқ}},$ $^{\circ}\text{C}$	$R_f^*$ (система)	Эрувча нлиги	ИҚ спектри, $\text{см}^{-1}$
1	ГК: Мт 2:1	$218 \pm 2$ $^{\circ}\text{C}$	0.8	Сув Спирт	3434-3500(OH); 2857(CH <sub>3</sub> ); 2947-(CH <sub>2</sub> ); 1637-1725-(CO); 1085-(-O-)
2	ГК: Мт 4:1	$220 \pm 5$ $^{\circ}\text{C}$	0.9	Сув Спирт	3432- 3500(OH); 2957(CH <sub>3</sub> ); 2926(CH <sub>2</sub> ); 1642-1725-(CO); 1079-(-O-)
3	ГК: Мт 9:1	$228 \pm 2$ $^{\circ}\text{C}$	0.8	Сув Спирт	3469- 3500(OH); 2940(CH <sub>3</sub> ); 2873-(CH <sub>2</sub> ); 1645-1720-(CO); 1043-(-O-)

Бунда таҳлил жараёни бошланғич маҳсулотлар (ГК ва Мт) ва якуний маҳсулот яъни ГК:Мт (2:1) супрамолекуляр комплексининг ИҚ-спектрларини ўзаро солиштириш асосида амалга оширилди. Бунда ГК ва Мт нинг супрамолекуляр комплекси «меzbон-меҳмон» тузилишида шаклланиши асосланган. ГКнинг Мт билан комплекси юқорида мазкур метод билан тадқиқ этилганда, комплекслар ўзаро гидрофоб таъсир, шунингдек, водород боғлар ҳисобига ҳосил бўлиши кўрсатилган (4-А, В, С-расм).




4-расм. А) ГК нинг ИҚ-спектри; В) Мт нинг ИҚ-спектри; С) ГК:Мт (2:1) супрамолекуляр комплексининг ИҚ-спектри.

Комплексининг спектридан кўришиб турибдики, ГК ва Мт спектрларига нисбатан сигналларнинг сезиларли даражада сурилиши кузатилмайди, бу эса комплексларда сигналлар силжишига сабаб бўладиган етарли даража кучли водород ёки ион боғлари йўқлигини билдиради.


Ширинмия илдизидан ажратиб олинган ГК ва Мт супрамолекуляр комплексларини кимёвий идентификациялаш  $4000-400 \text{ см}^{-1}$  ютилиш диапазонида «Shimadzu» ИҚ-Фурье спектрофотометри қурилмаси (Япония) ва «Perkin-Elmer Spectrum IR»-10.6.1 (АҚШ) ёрдамида амалга оширилди. Тажрибаларда ГК:Мт (4:1) супрамолекуляр комплексининг ИҚ-спектрлари куйидаги тавсифларга эгаллиги аниқланди. Жумладан, ГК: Мт(4:1) супрамолекуляр комплексининг ИҚ-Фурье-спектрларида бир қатор валент соҳаларнинг дастлабки агентлар кўрсаткичларига нисбатан силжиш

ҳолатлари қайд қилинди. -ОН гуруҳига тегишли валент тебранишлар ГК:Мт (4:1) супрамолекуляр комплексида  $3432\text{ см}^{-1}$  соҳада ютилиши аниқланди ва бу ҳолат, водород боғлар ҳосил бўлишидан далолат беради. Шунингдек, ГК:Мт (4:1) супрамолекуляр комплекси таркибида С-О-С ва С-ОН боғларнинг ютилиши соҳалари  $1079\text{ см}^{-1}$  ҳолатда интенсив пик кўринишига эга ҳисобланади. Бунда ГК нинг С=О карбоксил гуруҳларининг ютилиш соҳаси ўзгармаслиги қайд қилинди (5-расм).



**5-расм. ГК :ментол(4:1) билан ҳосил қилган супрамолекуляр комплексининг ИҚ спектри.**


ГКнинг ментол билан супрамолекуляр комплекслари стехиометрик таркиби Остромысленский–Жобанинг изомолярли тизим методи билан аниқланди. Жумладан, адабиётларда қайд этилганидек, комплекслар 1:1 нисбатда ҳосил бўлади. Қуйидаги графикавий эгри чизиқда кўрсатилганидек, компонентларнинг нисбатига кўра оптик зичликнинг ўзгаришидан I комплекснинг изомоляр тизими кўрсаткичи  $\approx 1,0$  га тенг бўлиб, шунга асосан комплексдаги компонентлар нисбати 1:1 нисбатда бўлиши қайд қилинди.



**6-расм.  $\lambda=273\text{ нм}$  да ( $C(\text{Мт})=10^{-4}\text{ М}$ ,  $C(\text{ГК})=10^{-4}\text{ М}$ ,  $\text{pH } 7,2$ ) компонентлар изомоляр тизими нисбатига кўра оптик зичлиги ( $\Delta A$ )нинг ўзгариши.**

Супрамолекуляр комплекс (I) тизими эгри чизиғига кўра кўрсатилганидек, 220 ва 285 нм оралиғидаги нуқталарда спектрларнинг ютилиши кузатилади (7-расм). Маълумки, изобестик нуқталарнинг мавжудлиги компонентлар оралиғида битта типга мансуб комплекс шаклланади. Шунга кўра эритмада ГК ва Мт компонентлари асосида ГК:Мт комплекси аниқланди:  $\text{ГК} + \text{Мт} \leftrightarrow \text{ГК} \cdot \text{Мт}$ .





7-расм. Эритмаларнинг изомоляр тизимда спектрларнинг ютилиш эгри чизиғи ( $C_{(MT)} = 10^{-4} M$ ,  $C_{(ГК)} = 10^{-4} M$ ,  $pH 7,2$ ).

Таркиби 1:1 нисбатда бўлган эритмадаги комплекслар нисбати бўйича  $K$  коэффиценти куйидаги формула асосида ҳисобланди (1):


$$K = \frac{\Delta A_0 \Delta A_1}{c(\Delta A_0 - \Delta A_1)^2}, \quad (1)$$

Бу ерда:  $c$  – модданинг умумий концентрацияси,  $\Delta A_0$  – диссоциаланиш бўлмаган жараёнда оптик зичликнинг ўзгариши,  $\Delta A_1$  – спектрларнинг ютилиш эгри чизиғига мос ҳолда оптик зичликнинг ўзгариши.

Комплекс ҳосил бўлиш жараёни учун Гиббс эркин энергияси ( $\Delta G$ ) (2) формула ёрдамида ҳисобланди:

$$\Delta G = -2,3RT \lg K. \quad (2)$$

Тадқиқотнинг кейинги босқичида олинган супрамолекуляр комплексларни идентификация қилиш ва миқдорий таҳлил қилиш мақсадида ЮССХ усулидан фойдаланилди. Ментолнинг ГК билан олинган супрамолекуляр комплексларининг хроматографияси элюент изократика усулида, оқим тезлиги 1 мл/мин да бўлиб, элюент сифатида ацетонитрил:ацетатли буфер системасидан фойдаланилди (8-расм).



8-расм. А) Ишчи стандарт эритмаси ГК хроматограммаси Б) ГК билан ментолнинг супрамолекуляр (2:1) комплекси хроматограммаси.

Олинган натижалар шуни кўрсатдики, супрамолекуляр комплекс бирикмалар таркибидаги глицирризин кислотасининг миқдори назарий жиҳатдан ҳисоблангандаги билан бир хил эканлиги ва хатолик даражаси  $\pm 1-1.5\%$  ни ташкил қилиши аниқланди.

Миқдорий аниқлаш ишлари стандарт ГК эритмасига нисбатан олиб борилди. Ментол молекуласи таркибида хромофор гуруҳлари йўқлиги учун уни оддий спектроскопик усулларда аниқлаб бўлмайди. Шунинг учун



тажрибаларимизда сифат ва миқдор жиҳатдан аниқлашда ГК миқдорини аниқлашдан фойдаландик. Миқдорий жиҳатдан ҳисоблашларни стандарт эритманинг ушланиш вақтидаги чўққининг майдониغا нисбатан солиштирма тарзда аниқланди (3-жадвал).

3-жадвал

**ГКнинг ментол билан супрамолекуляр комплексининг ЮССХ асосида ўрганиш натижалари**

Комплекслар	колонкада ушланиш вақти мин.	назарий жиҳатдан ҳисобланган миқдор. мг/100мл	амалий олинган натижа мг/100мл
ГК	6.967	100.0	99.1
2:1	7.118	100.0	98.7
4:1	7.129	100.0	99.1
9:1	7.159	100.0	98.6


Назарий жиҳатдан олинган комплексларнинг миқдорлари амалий жиҳатдан олинган натижаларга мос келади ва уларнинг фарқи 1.0-1.5% дан ошмаслигини кўриш мумкин. Бу эса олинган супрамолекуляр комплекс бирикмаларини стандартлашда ЮССХ усулидан фойдаланиш мумкин эканлигини кўрсатади. Сифат жиҳатидан стандарт ГК нинг колонкада ушланиш вақти (6,5-7,0 мин) га қараб белгиланди.

Диссертациянинг «**Ментол хосилалари ва супрамолекуляр комплексларини биологик фаоллиги**» деб номланган тўртинчи бобида олинган бирикмаларнинг биологик фаоллиги келтирилган. Ментол ва ГК асосида олинган супрамолекуляр бирикмаларнинг биологик фаолликлари жуда кам тадқиқ этилган бўлиб, уларнинг каламуш жигар митохондрияси функционал кўрсаткичларига таъсири деярли ўрганилмаган. Шу мақсад асосида тажрибаларимизда ментол, ГК ва уларнинг турли нисбатларда олинган супрамолекуляр комплексларининг *in vitro* ва *in vivo* тадқиқотларда каламуш жигар митохондриясига таъсири ўрганилди.

Аллоксан билан чақирилган диабет шароитида каламушлар қонидаги глюкоза миқдори ва жигар тўқимасидаги гликоген миқдорига ГК, ментол ва унинг супрамолекуляр комплексининг таъсири куйидаги жадвалда келтирилган. Олинган натижаларга кўра, аллоксан диабет шароитида қондаги глюкоза миқдори назоратга нисбатан кескин ортиши, жигарда гликоген миқдори эса кескин камайиши кузатилди. Аллоксан диабет шароитида жигардаги гликоген синтезининг бузилиши эҳтимол гликогенсинтетаза фаоллигининг пасайиши ва пируват дегидрогеназа комплексидаги нуқсон туфайли глюкоза оксидланишининг сусайиши билан боғлиқ бўлиши мумкин. Аллоксан диабет чақирилган ҳайвонларга ментол (50 мг/кг), ГК (50 мг/кг) ва ГК:Мт (4:1) (50 мг/кг) бирикмаларини суткасига бир марта 10 кун давомида перорал юборилиши натижасида улардаги глюкоза миқдори ва жигардаги гликоген миқдори назоратга нисбатан камайганлиги аниқланди.

Аллоксан диабетга чалинган каламушларга ГК, ментол ва унинг супрамолекуляр комплекси билан фармакотерапия қилинганда уларнинг қондаги глюкоза миқдори камайиши ва жигаридаги гликоген миқдори эса ортиши ГК:Мт (4:1) да самарали бўлганлиги аниқланди. Бунда ГК:Мт (4:1) қабул қилингандан кейин аллоксан диабет ҳайвонларнинг қонидаги глюкоза концентрациясини тиклаш механизмларидан бири гликогенез жараёнларининг ўзгариши туфайли қон ва жигар ўртасида углеводлар алмашинувини қайта тиклаши натижасида юз бериши мумкин.

Табиий биологик фаол моддалар синтетик бирикмаларга қараганда антирадикал хусусиятни намоён қилиб, биомембраналарда липидларни пероксидланишини олдини олиши мумкин. Ментол, ГК ва унинг *in vitro* тажрибаларда фаоллигини намоён қилган ГК:Мт (4:1) комплекслари диабет шароитида митохондриялар МДА(малон диалдегид) миқдорида таъсири бўйича адабиёт маълумотлари умуман учрамайди. Ушбу *in vivo* тажрибамизда ментол, ГК ва ГК:Мт (4:1) комплексини аллоксан диабетда каламуш жигар митохондрияси ЛПО (липидларнинг периксли оксидланиши) га таъсири ўрганилди. Олинган натижаларга кўра, аллоксан диабет чақирилган каламушларнинг жигардан ажратилган митохондрияларда МДА ҳосил бўлиши назоратга нисбатан  $73,7 \pm 3,5\%$  га ортиши маълум бўлди (9-расм). Аллоксан диабетга чалинган ҳайвонларни ментол, ГК ва ГК:Мт (4:1) бирикмалари билан суткасига бир марта 10 кун давомида перорал юборганимизда, уларнинг жигар митохондриясидаги МДА миқдори камайганлиги қайд қилинди. Бунда аллоксан диабет шароитида ГК:Мт (4:1) супрамолекуляр комплексини митохондрия МДА миқдорини камайтирувчи таъсири ментол ва ГКга нисбатан яққол намоён бўлди. ГК:Мт (4:1) супрамолекуляр комплекси билан даволанган аллоксан диабет ҳайвонларнинг жигардан ажратилган митохондрияларда МДА миқдори диабет гуруҳига нисбатан  $60,3 \pm 3,1\%$  га камайтириши қайд қилинди (9-расм).



9-расм. Аллоксан диабет шароитида ГК, ментол бирикмалари ва унинг ГК:Мт (4:1) супрамолекуляр бирикмасини жигар митохондрияси МДА миқдорида таъсири (назоратга нисбатан ишонччилик \* $P < 0,05$ ; \*\* $P < 0,01$ ;  $n=5$ ).

Олинган натижалар асосида шундай хулосага келиш мумкинки, тадқиқ этилган ментол, ГК ва улар асосида олинган турли нисбатдаги супрамолекуляр бирикмаларни мембранафаол ҳоссалари ва антиоксидантлик

фаолликлари уларнинг структура тузилишидаги гидроксил гуруҳлар сонига, уларнинг ўзаро жойлашиш ўрнига боғлиқ бўлиши мумкин. Шундай қилиб, ментол, ГК ва улар асосида олинган ГК:Мт (4:1) супрамолекуляр бирикмаси аллоксан диабетда жигар митохондриясидаги функционал бузилишни яъни қайта тиклаши мумкин ва мембранадаги липидларни пероксидланишини ингибирлади. Бунда ГК:Мт (4:1) супрамолекуляр бирикмасининг аллоксан диабет шароитида гипогликемик фаоллиги ва митохондрия мембранасини стабилловчи хоссаси ментол, ГК ва унинг ГК:Мт (2:1) ва ГК:Мт (9:1) бирикмаларига нисбатан кучлироқ намоён бўлди.

*Янги синтез қилинган супрамолекуляр комплексларнинг буғдой (Triticum aestivum L.) нинг ўсиши ва ривожланишига стимуляторлик таъсири натижалари.* Тадқиқот объекти сифатида кузги буғдойнинг Дўстлик, Земница навлари танланди. Бўртиш жараёнига комплекс бирикма эритмаларнинг таъсирини аниқлаш учун буғдой дони бўртишдан олдин оғирлиги тарозида тортиб ҳисобланди. Бўртишнинг 24, 48, 72 соатида ҳар бир дон оғирлиги ҳисобланиб, сарфланган сув миқдори аниқланди. Олинган натижалар шуни кўрсатдики, доннинг бўртишига супрамолекуляр комплексларнинг эритмалари таъсир этди. Назоратда бўртишнинг биринчи кунида (24 соатда) жами бўлиб 63,67 мг сувни қабул қилган бўлса, бўртишнинг иккинчи кунида -6.90 мг, учинчи кунида 17.06 мг сувни қабул қилди (5-жадвал).

Ушбу маълумотларда, бўртиш жараёни биринчи кунида жадал, иккинчи ва учинчи кунларида секинлашганлиги аниқланди. Жами бўлиб уруғ соф оғирлигига нисбатан 1.8 баравар сувни қабул қилди. Супрамолекуляр комплекс эритма таъсирида бўртиш жараёнининг жадаллашганлиги илдиз ва майсанинг ўсишидан ҳам аниқлаш мумкин (5-жадвал).

#### 5-жадвал

#### Доннинг бўртишига супрамолекуляр комплекс эритмаларнинг таъсири

№	Вариант	Бўртишдан олдин дон оғирлиги, г	Бўртиш жараёни учун сарфланган сув миқдори, мг			Бўртиш жараёнида сарфланган сувнинг дон оғирлигига нисбати	Буғдой илдизининг ўсиши, 5 кунда	Буғдой майсаниннинг ўсиши, 5 кунда
			24 соатда	48 соатда	72 соатда			
1	Сув	50,24 ±1.84	63,67 ±3.22	6,90 ±2.08	17,06 ±4.56	1,80 ±0.15	2,78 ±0.34	1,40 ±0.21
2	ГК 10 <sup>-7</sup>	46.41 ±1.83	62,12 ±3.10	11.54 ±2.65	47,36 ±4.73	2.67± 0.17	5.35±0.4 4	4.96±0. 46
3	Mentol 10 <sup>-6</sup>	48.52 ±1.50	68,51 ±2.80	20.70 ±3.68	36,68 ±5.14	2.64 ±0.16	3.21 ±0.42	3.19 ±0.51
4	ГК :Мт 2:1 10 <sup>-5</sup>	48.92 ±1.96	64.56 ±2.71	9.55±3.5 3	26.04 ±5.80	2.06 ±0.17	4.39 ±0.52	3.83±0. 72
<b>5</b>	<b>ГК :Мт 4:1 10<sup>-7</sup></b>	<b>47.86 ±1.85</b>	<b>65.78 ±3.74</b>	<b>15.74±4. 80</b>	<b>26.28 ±5.99</b>	<b>2.34 ±0.24</b>	<b>4.62 ±0.40</b>	<b>3.66±0. 55</b>
6	ГКМАТ:Мт 2:1 10 <sup>-7</sup>	47.56 ±2.17	64.19 ±2.54	8.33±4.6 3	29.91± 6.02	2.26 ±0.21	4.05 ±0.39	2.18±0. 37

Назоратда илдиз узунлиги 2.78 см ни ташкил этган бўлса, супрамолекуляр комплекс эритмада 5,35 см га тенг бўлди. Айнан шундай натижа буғдой майсасининг узунлиги бўйича ҳам қайд этилди. Назоратда 1.40 см га тенг бўлган бўлса, тузли эритмада 4,96 см га тенг эканлиги аниқланди.

Ушбу маълумотлар эритма концентрацияси  $10^{-7}$  тенг бўлганида бўртиш жараёни учун ижобий муҳит яратилганлигига ишонч ҳосил қилиш мумкин.

## ХУЛОСАЛАР

1. Биринчи марта ментолнинг икки асосли карбон кислоталар билан янги ҳосилалари синтез қилиниб, уларнинг физик-кимёвий катталиклари ва спектрал хусусиятлари келтирилди.

2. Синтез қилинган янги моддаларнинг тузилиши ИҚ-, масс-спектроскопик усулларда ўрганиш билан изоҳланади.

3. Биринчи бор ментолнинг ГК ва ГКМАТ билан ҳар хил нисбатлардаги супрамолекуляр комплекслари олинди. Олинган супрамолекуляр комплексларининг физик-кимёвий хусусиятлари аниқланиб, тузилиши ИҚ-УБ-спектроскопик усулларда ўрганиш билан изоҳланади.

4. Ментолнинг ГК, ГКМАТ билан турли нисбатларда олинган бирикмалари «меҳмон-меzbон» типдаги супрамолекуляр комплекслари эканлиги ҳамда улар ўзаро водород боғлар асосидаги гидрофоб-гидрофоб таъсирлашишлар асосида стабиллашганлиги илмий асосланди.

5. Ментолнинг ГК ва ГКМАТ билан ҳар хил нисбатлардаги супрамолекуляр комплексларининг биологик фаолликлари буғдой (*Triticum aestivum* L.) ўсимлигининг ўсиши ва ривожланишига таъсири исботланди.

6. Ментолнинг ГК ва ГКМАТ билан янги олинган супрамолекуляр комплекслари буғдойнинг ўсиш жараёнига таъсири ўрганилганда уларнинг концентрацияси билан бошоқли ўсимликлар бўртиши ўртасидаги корреляцион боғланиш мавжудлиги кўрсатилди.

7. Илк бор ментол, ГК ва улар асосида олинган ГК:Мт (4:1) супрамолекуляр бирикмаси аллоксан диабетда жигар митохондриясидаги функционал бузилишни қайта тиклаши мумкинлиги ва мембранадаги липидларни пероксидланишини ингибирлаш хусусиятига эга эканлиги билан изоҳланди.

8. ГК:Мт (4:1) супрамолекуляр бирикмасининг аллоксан диабет шароитида гипогликемик фаоллиги ва митохондрия мембранасини стабилловчи хоссаси ментол, ГК ва унинг ГК:Мт (2:1) ва ГК:Мт (9:1) бирикмаларига нисбатан кучлироқ намоён бўлиши кўрсатилди ва келажақда амалий тиббиётда гипогликемик хоссали дори воситаси сифатида фойдаланиш учун тавсия этилди.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ PhD 03/30.12.2019.К.05.01 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ  
УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ ИНСТИТУТЕ ФЕРГАНСКОГО  
ГОСУДАРСТВЕННОГО УНИВЕРСИТЕТА**

---

**ГУЛИСТАНСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ УНИВЕРСИТЕТ**

**ЕТТИБАЕВА ЛОЛАХОН АБДУМАЛИКОВНА**

**СИНТЕЗ ПРОИЗВОДНЫХ МЕНТОЛА И СУПРАМОЛЕКУЛЯРНЫЕ  
КОМПЛЕКСЫ ТАК ЖЕ ИХ БИОЛОГИЧЕСКАЯ АКТИВНОСТЬ**

**02.00.10 – Биоорганическая химия**

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD) ПО  
ХИМИЧЕСКИМ НАУКАМ**

**Фергана – 2020**

**Тема диссертации доктора философии (PhD) по химическим наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистана за номером В2020.3.PhD/К314.**

Диссертационная работа выполнена в Гулистанском Государственном Университете.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещён на веб-странице Научного совета ([www.flora-fauna.uz](http://www.flora-fauna.uz)) и Информационно-образовательном портале «ZiyoNet» ([www.ziyo.net](http://www.ziyo.net)).

**Научный руководитель:**

**Абдурахманова Угилой Коххоровна**  
кандидат химических наук, доцент

**Официальные оппоненты:**

**Абдуллаев Шавкат Воҳидович**  
доктор химических наук, профессор

**Назаров Отабек Мамадалиевич**  
доктор философии (PhD) химическим наукам

**Ведущая организация:**

**Андижан государственный университет**

Защита диссертации состоится « 15 » XII 2020 г. в 10.00 часов на заседании Научного совета PhD.03/30.12.2019.К.05.01 при Ферганском государственном университете (Адрес: 150100, г. Фергана, ул. Мураббийлар, 19. Тел. (+99873) 244-44-02, факс (+99873) 244-44-93).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационном ресурсном центре Ферганского государственного университета (зарегистрирована за № \_\_\_\_). Адрес: 150100, г. Фергана, ул. Мураббийлар, 19. Тел. (+99873) 244-44-02, факс (99873) 244 44 93, e-mail: [fardu-info@umail.uz](mailto:fardu-info@umail.uz).

Автореферат диссертации разослан « 4 » XII 2020 г.  
(реестр протокола рассылки № \_\_\_\_ от « \_\_\_\_ » \_\_\_\_\_ 2020 г).



*Handwritten signature in blue ink.*

**В.У. Хўжаев**

Предстатель Научного совета по присуждению учёных степеней, д.х.н., профессор

*Handwritten signature in blue ink.*

**М. Нишонов**

Ученый секретарь Научного совета по присуждению учёных степеней, к.т.н., профессор

*Handwritten signature in blue ink.*

**Ш.В. Абдуллаев**

Председатель Научного семинара при Научном совете по присуждению учёных степеней, д.х.н., профессор

## ВВЕДЕНИЕ (Аннотация диссертации доктора философии (PhD))

**Актуальность и востребованность темы диссертации.** Сегодня одним из важнейших направлений исследований современной биоорганической химии в мире является синтез биологически активных веществ, действующих в определенном направлении, и их модификация. Природные соединения, выделенные из растений, обладают высокой биологической активностью и вместе с тем, низкими побочными эффектами по отношению к синтетическим соединениям, совместимостью с живыми организмами и выделяются тем, что имеют ряд преимуществ перед синтетическими лекарствами. Среди таких природных соединений особое значение имеют ментол и его производные, относящиеся к классу монотерпенов.

Для обоснования актуальных научных решений по созданию высокоэффективных низкодозовых препаратов, используемых для терапии ряда заболеваний, полученных в настоящее время во многих крупных исследовательских центрах мира, необходимо: синтез ментола (Мт) и его производных с двухосновной карбоновой кислотой, получение супрамолекулярных комплексов глицирризиновой кислоты (ГК) и с некоторыми её солями, повышение их свойств водорастворимости, уменьшение дозы применения, создание препаратов с биологической активностью.

Сегодня в нашей республике достигаются определенные теоретические и практические результаты по созданию эффективных лекарственных препаратов на основе местного сырья и обеспечению отечественного фармацевтического рынка качественными лекарствами. В третьем направлении Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан определены важные задачи, направленные на «производство высококачественной готовой продукции на основе глубокой переработки высокотехнологичных производств, прежде всего местного сырья»<sup>2</sup>. В этом отношении имеют важное значение исследования, в том числе, по выделению эфиров ментола из растения *Mentha piperite* и изучению его состава, по синтезу новых производных с двухосновными карбоновыми кислотами, получению супрамолекулярных комплексных соединений ментола (Мт) с ГК и некоторыми её солями, а также изучению их биологической активности.

Данное диссертационное исследование в определённой степени послужит выполнению задач, обозначенных в Указе Президента Республики Узбекистан от 7 февраля 2017 года за №УП-4947 «О Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан», Указе Президента Республики Узбекистан от 7 ноября 2017 года за №УП-5229 «О мерах по кардинальному совершенствованию системы управления фармацевтической отраслью», Постановлении Президента Республики Узбекистан от 14

---

<sup>1</sup> Указ Президента Республики Узбекистан от 7 февраля 2017 г. «О стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан» № УП-4947.

февраля 2018 года за №ПП-3532 «О дополнительных мерах по ускоренному развитию фармацевтической отрасли», Постановлении Президента Республики Узбекистон от 18 мая 2018 года за №ПП-3729 «О мерах по дальнейшему совершенствованию системы противодействия распространению гриппа и других острых респираторных инфекций в Республике Узбекистан», Указе Президента Республики Узбекистан от 10 апреля 2019 года за №УП-5707 «О дальнейших мерах по ускоренному развитию фармацевтической отрасли республики в 2019-2021 годах», а также в других нормативно-правовых актах, касающихся данной деятельности.

**Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий республики:** Данное исследование выполнено в соответствии с приоритетными направлениями развития науки и технологий республики VI. «Медицина и фармакология».

**Степень изученности проблемы.** На сегодняшний день биологические особенности ментола и его производных исследуются во многих научных лабораториях всего мира. Зарубежные ученые Rozza A.L. и др. (2014), Levin.M (2012), Akehurst R, Kaltenthaler E (2001) в своих исследованиях, проведенных у крыс линии *Wistar*, выявили, что монотерпеноид ментола проявляет восстанавливающее свойство язвы желудка вызванной этиловым спиртом. Rozza A.L. и др. (2014) установили, что 50 мг/кг ментола оказывает гастропротективное действие, а также изучили антиоксидантную активность, действие против апоптоза и воспаления в клетках слизистой оболочки желудка. Cheang и др.(2013) провели научное исследование над проявлением релаксантной активности ментола и ингибирующее действие на ионные каналы  $Ca^{2+}$  в клетках гладких мышц кровеносных сосудов крыс. Учеными Lee A.G. и др. (2013) в *in vitro* исследованиях показано влияние ментола и других гидрофобных монотерпенов на ионные каналы мембраны в концентрациях в диапазоне от 10  $\mu$ M до 10 mM.

